Биография

Зухра Мирахмедова



Зухрахон Мирахмедова 1952 йилда Хитой Халқ Республикасининг Ғулжа шаҳрида туғилди. 1970 йилда Тошкент шаҳридаги 92-мактабни битирди ва ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди. У 1975 йилда университетни муваффақиятли битириб, ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг терминология бўлимига ишга кирди. Зухра Мирахмедова 1994 йилда филология фанлари доктори, профессор Ренат Дониёров раҳбарлигида “Ўзбек тилининг анатомик терминологияси” мавзусида диссертация ёқлади.

Катта илмий ходим сифатида у Тил ва адабиёт институти терминология бўлимининг барча режали ишларини бажаришда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этади. Олима ўзбек халқи маданий ва маърифий ҳаётида катта воқеа бўлган беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” муаллифларидан биридир.

Асарлари:

1979 Тил – элементли терминларнинг ифодаланиши ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, Тошкент

1986 Ўзбек ботаника терминологиясида дублетлик ва уни бартараф қилиш йўллари // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. Т., “Фан”.

Анатомия терминологиясида бирикма терминларнинг ясалишига доир // РМТК бюллетени. № 1-2, Т.

1992 Анатомия терминологиясида ҳар хилликлар. Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. № 4, Тошкент

1993 Анатомик терминларнинг семантик-синтактик усул билан ясалиши. Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. № 5, Тошкент

2002 Давлат тили ва иқтисодий терминология. Т., Молия институти

2003 Мутахассислик тили. Ўқув қўлланма. Т., Молия институти

2004 Ўзбек тили иқтисодий терминологиясини тартибга солиш масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, Т.

Қисқача русча-ўзбекча иқтисодий терминлар ўқув луғати. Т., Молия институти

Copyright © 2022
All Rights Reserved.